

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ МАСЖИД ВА МАДРАСАЛАР

*Аллаев Мурод, Поянов Ихтиёр, Узоқов Бегали,  
Жовлиев Сардорбек, Алимов Жасур*

**Таянч сўзлар:** Одина масжиди, Қарши қалъаси, Бекмир қозоқ мадрасаси, Тўра масжиди, Исохон тепа, Ёдгор Валлабий мадрасаси, Тўра масжиди, Ҳазрати Имом масжид, Кўкғумбаз масжиди, Тезоб масжиди, Чўбин мадрасаси, сардоба, мадраса, хонақоҳ, обида, зиёратгаҳ.

Мамлакатимизда кечаётган глобаллашув, ижтимоий жараёнларнинг мураккаблашиши ва тезлашиши жараёнида юртимиздаги мавжуд тарихий ёдгорлик ва масжидларни таъмирлаш ва уларни асл ҳолатича сақлаб қолиш муаммоси юзага келганди. Шу сабабли Қашқадарё вилояти ҳудудида жойлашган тарихий масжидларда ҳам мустақиллик йилларида кенг кўламли тиклаш ва таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди.

XX асрга қадар Қарши шаҳрида бунёд этилган 103 та масжид, 50 дан зиёд мадрасадан, мустабид тузум даврида нари борса 4-5 таси қолдирилганди. Уларга ҳам эътибор қаратилмас, натижада харобага айланиб қолганди. Мустақиллик туфайли ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, улар қолдирган бой маданий меросни ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди<sup>1</sup>. Тарихий обидаларга қайта ҳаёт бахш этилди. Хусусан, мустабид тузум даврида турли мақсадлар учун фойдаланилган ва оёқости бўлган, турмага айлантирилган муқаддас кадамжолардан бири – XIV аср ёдгорлиги ҳисобланган Одина масжиди аслига қайтарилди. У ерда қурилган қадимий сардоба, Қарши қалъаси ва XIX аср бошида бунёд этилган Бекмир қозоқ мадрасасини ўз ичига олувчи ёдгорлик мажмуаси кўҳна Қаршининг тарихи, маданий ва маънавий мероси ҳамда қадриятларини ўрганадиган, тарғиб этадиган маданий-маърифий марказга айлантирилди<sup>2</sup>.

1992 йилда вилоят бўйича ёдгорликларни таъмирлаш учун 700 минг сўм ажратилди. Жумладан, Касби туманидаги Тўра масжиди ҳам бу даврда қаровсиз ҳолатда бўлиб таъмирга муҳтож эди. Ушбу масжид маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан дастлабки даврда муҳофазага олиниб, атрофлари ободонлаштирилди<sup>3</sup>. Косон тумани ҳудудидаги Исохон тепа қабристони бор. Бу

<sup>1</sup> Т. Темиров. Бетакроримсан, яғонасан, она ватаним-Ўзбекистоним! // Қашқадарё. 2015 йил 30 июль.

<sup>2</sup> Т. Темиров. Бетакроримсан, яғонасан, она ватаним-Ўзбекистоним! // Қашқадарё. 2015 йил 30 июль.

<sup>3</sup> Бўриев О. Қаровсиз обида // Қашқадарё ҳақиқати, 1992 йил 26 сентябрь

ерда 1992 йилда мақбара ва масжид маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланган. Бузилган мақбара эшиги остидан эски китоблар топилган<sup>4</sup>.

Яккабоғ туманидаги жойлашган тарихий ёдгорликларда тиклаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 1992 йилда Тоторгузардаги Ғишт масжиди ва 1996 йилда Ёдгор Валлабий мадрасаси таъмирланди<sup>5</sup>. Ёдгор Валлабий мадрасасида 1988 йилда Ўзбекистон Республикаси тарихий обидаларни рўйхатга олиш ходимлари ва археолог олимлар бир муддат тадқиқот олиб бориб, иншоот остидаги ғиштлар 12 асрга, юқори қисмидаги ғиштлар 18 асрда тегишли эканлигини аниқлаган эди<sup>6</sup>.

Косон тумани Пўлати қишлоғида Абдурахмон халифа номи билан боғлиқ хонақоҳ масжид XIX асрнинг биринчи ярмида қурилган. Абдурахмон халифа маҳаллий аҳоли орасидан чиққан кароматгўй авлиё бўлиб, шу ердаги “Ғойиб ота” масжидининг имоми бўлган. Масжид қуриладиган жой яқинида Ғишт пиширадиган хумдон (ҳозир ҳам ўрни мавжуд) қурдиради. Хонақоҳ масжид дейилишига сабаб, масжиднинг ёнидаги хонада Абдурахмон халифа дафн этилган<sup>7</sup>. Масжид тўғри тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, устига гумбаз қилинган. Ёнидаги қўшимча хона хонақоҳдир. Масжид ичида чиллахона ҳам бор. Собиқ шўро даврида кўпгина обидалар сингари “Абдурахмон халифа” хонақоҳ масжиди ҳам қаровсиз қолдирилган. Масжид омборхонага айлантирилган ва 1965-1975 йилларда маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланиб, қўшимча ҳашаматли айвонлар барпо этилди. Мустақиллик йилларида тадбиркор Обид Чориев томонидан масжид ҳовлисига азон айтиш учун баланд минора қурилган. Бугунги кунда ҳашар йўли билан Абдурахмон халифа хонақоҳ масжидида қўшимча бинолар, кенг айвон, таҳоратхоналар ва бошқа қурилиш ишлари олиб борилди<sup>8</sup>.

1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳридаги Кўкгумбаз ва Ҳазрати Имом масжидлари тўлиқ таъмирланди<sup>9</sup>. Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қисмида жойлашган масжидлар ҳам ўз даврининг таниқли шахслари томонидан савоб умидида, мусулмонлар ибодат амалларини тўқис адо этишларига шароит яратиш мақсадида бунёд этилгани ва ҳар бири ўз тарихига эгадир<sup>10</sup>. Масалан, Кўкгумбаз масжидини темурийзода Мирзо Улуғбек отаси Шоҳрух Мирзо номидан 1434 – 1435 йилларда қурдирган. XIX аср бошларида бунёд этилган. Собиқ иттифоқ даврида

<sup>4</sup>Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти, 2022 йил 13 август.

<sup>5</sup>Ғофуров Ф., Шоймардонов И., Тўхлиев Ж. Яккабоғ тарихи. – Т., 1997. – Б.144 – 146.

<sup>6</sup>Тўхлиев Ж. Яккабоғ: тарихий жойлар ва зиёратгоҳлар. – Қ., 2022. – Б.17.

<sup>7</sup>Одилов К., Нурмуродов И. Аждодлар силсиласи. – Қарши: Насаф, 2012. – Б. 23-24.

<sup>8</sup>Жўраева С. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни. Монография. – Тошкент: “Ўзкитоб савдо нашриёт матбаа ижодий уйи” 2021. – Б.108.

<sup>9</sup>Бунёдкорлик буюк боболардан мерос // Қашқадарё, 2011 йил 11 май.

<sup>10</sup>Ф. Хурсанов. Абдушукур оғалиқ масжидини ким қурдирган. //Қашқадарё. 2021 йил 3 март.

ўрта аср меъморчилигининг нодир намунаси бўлган Кўкгумбаз жоме масжиди қамоқхонага айлантирилган, кейинроқ қандайдир савдо ташкилотининг омборхонаси бўлиб қолган. Чўбин мадрасаси туман ўт ўчириш бўлинмасига фойдаланиш учун берилган. Бир неча масжидлардан қишлоқ хўжалиги учун ишлатиладиган минерал ўғитларни сақлаш жойи сифатида фойдаланилган. Истиқлолнинг илк йилларида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан кўхна Кешда у қурдирган Кўкгумбаз, Ҳазрати Имом масжидлари тўлиқ таъмирланди<sup>11</sup>.

Молик Аштар масжиди ҳақида эса батафсил маълумотлар кам учрайди. Айрим манбалардан унинг меъморий ечими маҳалла масжидларига хос экани айтилган. Масжид гумбазли ёпиқ зал кўринишида бўлган синчли иморат. 8x8 метр ўлчамдаги хонақоҳига асосий (олд), ўнг ва чап тарафида мавжуд кўш табақали эшиклар орқали кирилган, атрофи уч томондан очиқ усулда қурилган, 12 та нақшинкор устун асосга эга айвон билан ўралган. Ички девори, аниқроғи меҳробининг юқори қисмида қуфий хати асосидаги араб ёзуви билан жигарранг ҳарфларда “Тавҳид” калимаси битилган. Унинг юқорисида араб рақамлари билан ҳижрий 1304 йил санаси (милодий 1887 йилга тўғри келади) кўрсатилган ва бу мантиқан масжид қурилган йилни ҳам англатади. Ўзига хос мажмуани эслатувчи масжид атрофида 9 та ҳужра ҳам қурилган. Улардан қироатхона сифатида, яъни диний китобларни мустақил мутолаа қилиш учун фойдаланилгани айтилади<sup>12</sup>.

Шаҳрисабз шаҳридаги Абдушукур Оғалиқ масжиди биноси шаҳарнинг қоқ марказий қисмидаги Коба карвонсаройи рўпарасида, Эски ҳаммом ёнида жойлашган. Мустақиллик йилларига қадар, Ҳозирги “Абдушукур Оғалиқ” масжиди янглиш равишда Хожа Мирҳомид номи билан атаб келинган. Кейинчалик масжид деворидаги ёзувлар таҳлил этилиб, унинг асл номи тикланди. Ушбу ёлгорлик 1890 йилда Шаҳрисабз бекларидан бири бўлган Абдушукур исмли шахс томонидан бунёд этилган. Масжиднинг асосий биносининг атрофи уч томондан очиқ усулда айвон билан ўралган. Унинг айвонини 12 та нақшинкор устунлар кўтариб турибди. Ушбу меъморий обида 2000 йилнинг 2 декабрида ЮНЕСКОнинг “Бутунжаҳон маданий мероси” рўйхатига киритилган. Масжид 2015 йилдан буён жоме масжид сифатидаги фаолиятини тўхтатди<sup>13</sup>. Умуман, Абдушукур оғалиқ меъморий ёдгорлиги 2015 йилгача асосан Кулоллик, қисман Зингирон ва Козигузар маҳалларида яшовчи кишилар жамоавий намоз ўқишлари учун жоме масжиди вазифасини бажарган.

<sup>11</sup> Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти, 2022 йил 13 август.

<sup>12</sup> Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти, 2022 йил 13 август.

<sup>13</sup> Ҳурсанов Ф. Масжидларни обод қилиш фазилати // Кеш, 2021 йил 28 сентябрь.

Бугунги кунда Шахрисабз давлат музей-кўриқхонаси тасарруфида бўлган ушбу тарихий обида кўплаб сайёҳлар билан гавжум<sup>14</sup>.

Шунингдек, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ҳудудларда 1995 – 2000 йилларда таъмирланадиган, ободонлаштириладиган ёдгорликлар рўйхати шакллантирилди. Бундан ташқари, Қарши тумани ҳудудидаги Калхак қишлоғида жойлашган “Чоргумбаз” масжиди, Яккабоғ тумани ҳудудидаги “Тезоб” масжиди илмий жиҳатдан ўрганилиб, тузатиш, таъмирлаш ва консервация ишлари Маданият ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилди<sup>15</sup>. Бундан ташқари, Яккабоғ кўрғони ҳудудидаги Шайх Ёдгор валлабий мадрасасини таъмирлаш ишлари ҳам 1995-1996 йиллар иш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди<sup>16</sup>.

Шахрисабз тумани Авазмалик қишлоғидаги жоме масжиди XVIII асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилган бўлиб, тарихий ёдгорлик саналади. Бироқ, ўтган йиллар ораллигида ушбу масжиднинг устуни ва бўёқлари кўчиб, ғариб ҳолга келиб қолганди. 2016 – 2017 йилларда қишлоқ аҳолисининг кучи билан ушбу жоме масжиди тубдан таъмирланиб, унга иккинчи ҳаёт ато этилди<sup>17</sup>.

Хулоса қилиб айтганда воҳамиздаги тарихий масжид ва мадрасаларни асл ҳолатини сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш масалаларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бу обидаларни тарихийлигини сақлаган ҳолда келажак авлодларга етказиш етказиш, бу бизнинг вазифамиздир.

### Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Абдурасулов Р.Р, Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. ИЗУ (Искусство зодчих Узбекистана). Вып. 1. – Ташкент, 1962. – С.30.;
2. Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни таъмирлашда халқаро ҳамкорлик муносабатлари // Имом Бухорий сабоқлари. 2016. – №2. – Б.46-48;
3. Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишлари тарихидан // СамДУ Илмий ахборотномаси. – 2014. – №2(84). – Б.36-40;
4. Тўхлиев Ж. Яккабоғ: тарихий жойлар ва зиёратгоҳлар. – Қ., 2022. – Б.17.
5. Одилов К., Нурмуродов И. Аждодлар силсиласи. - Қарши: Насаф, 2012. – Б. 23-24.

<sup>14</sup> Ф. Хурсанов. Абдушукур оғалик масжидини ким қурдирган. //Қашқадарё. 2021 йил 3 март.

<sup>15</sup> Қашқадарё вилояти маданият ишлари бошқармасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи, 1995 йил.

<sup>16</sup> Соҳибқирон юбелейи шарафига // Қашқадарё ҳақиқати, 1995 йил 22 февраль

<sup>17</sup> Саъдуллаев Э. Жомеъ масжиди қайта таъмирланди // Кеш, 2017 йил 13 октябрь.

6. Аскархўжаев С.М., Аскархўжаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айрим мулоҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып. 2. – Ташкент, 2010. – Б. 42-45.
7. Ахмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темура (жизнь и общественно-политическая деятельность). – Ташкент: Университет, 1999;
8. Ахундов Х. Узбекистанский Комитет по охране и изучению памятников материальной культуры (Узкомстарис): Отчет о деятельности за 1935 год. – Ташкент: Комитет наук УзССР, 1936. – 71 с.;
9. Жўраева С. Ўзбекистоннинг жанубий худудларидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни. Монография. – Тошкент: “Ўзкитоб савдо нашриёт матбаа ижодий уйи” 2021. – Б.108.
10. Бунёдкорлик буюк боболардан мерос // Қашқадарё, 2011 йил 11 май.
11. Хурсанов Ф. Масжидларни обод қилиш фазилати // Кеш, 2021 йил 28 сентябрь.